# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 7 сентябрь, № 177 (6612) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ВЛАДИМИР ПУТИН ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг порлоқ хотирасини ёд этиш маросимлари давом этмоқда.**



Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 6 сентябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди.

Владимир Путин ва Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрига гул қўйдилар ва унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

Россия Федерацияси раҳбари Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасига ташриф буюриб, Ислом Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримова ва қизи Лола Каримова-Тиллаевага чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бормоқда.

Ўзаро ҳамкорлик кенг кўламли ва самарали бўлиб, ҳукуматлараро ва идоралараро алоқалар олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга халқимизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасини ёд этиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюргани учун миннатдорлик билдирди. Ушбу ташриф Владимир Путиннинг Ислом Каримовга, Ўзбекистон халқига юксак ҳурматидан далолат беришини қайд этди. Ўзбекистон Ислом Каримов ва Владимир Путин асос солган мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини давом эттириши ва янада мустаҳкамлашини алоҳида таъкидлади.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон учун, ўз халқининг фаровонлиги учун улкан ишлар қилгани, энг мураккаб пайтларда ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлагани, бу мамлакат тараққиётига хизмат қилганини алоҳида таъкидлади. Россия давлатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини давом эттириш ва ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди.


**Анвар САМАДОВ,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**


Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

# ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ МЕҲРИ ВА ҒАМХЎРЛИГИНИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙМИЗ

Мустақиллигимиз асосчиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов хотираси халқимизнинг қалбида мангу яшайди. Бутун халқимиз Президентимиз вафотидан чуқур қайғуда.

**Руслан НУРУДИНОВ, оғир атлетика бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони, Олимпия ўйинлари ғолиби:**

— Юртбошимиз Ислом Каримовдек халқпарвар, болажон, ёшларни «Менинг фарзандларим!» деб бағрига босиб, чексиз меҳр-муҳаббатини намоён этадиган раҳбар кам бўлса керак.

Мен мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган 1991 йили туғилганман. Мустақил давлатимиз билан бирга ўсдим, улғайдим. Мана шу ўтган йигирма беш йилда мен ва мен каби барча тенгдошларим Президентимизнинг улкан меҳри ва ғамхўрлиги оғушида вояга етдик. Нимани ният қилсак, қалбимизда қандай эзгу мақсад бўлса, барчасига эришаяпмиз. Бу мамлакатимизда замонавий таълим олишимиз, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишимиз, ўз иқтидор ва салоҳиятимизни намоён этишимиз учун яратилган кенг имкониятлар натижасидир.

Яқинда Бразилияда ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритиб, Олимпиада рекордини янгиладим. Юртбошимиз бу ютуғимни юксак баҳолаб, 2016 йил 24 августдаги Фармони билан мени «Эл-юрт ҳурмати» орденига муносиб кўрди.

Шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилар эканман, Президентимиз ишончини оқладим, юзим ёруғ бўлди, энди Ислом бобомиз билан кўришганда, мусобақада дунёнинг манаман деган давлат вакиллари билан беллашдим, менинг ғалаба қозонишимда Сизнинг «Маррани баланд олинг, азиз фарзандларим! Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмайди» деган даъватингиз катта куч берди, деймана, дуосини оламан, деб ният қилгандим. Афсуски, армон бўлиб қолди...

Юртбошимизнинг бу даъватлари юрагимиздан ҳеч қачон ўчмайди ва бизни янада юксак ғалабалар сари илҳомлантираверади. Президентимиз хотираси қалбимизда абадий яшайди.

**Бектемир МЕЛИҚЎЗИЕВ, бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпиони, II ўсмирлар Олимпиадаси ғолиби, катталар ўртасида Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати ва Олимпия ўйинлари совриндори:**

— Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатган улкан эътибор ва ғамхўрлиги, билдирган юксак ишончини ҳеч қачон унутмаймиз. Биз бу ишончни доим оқлашга, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда, ўз салоҳиятимизни намоён этиб, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга интилаверамиз.

Мени ва тенгқурларимни Президентимиз асос солган уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари тарбиялади, истеъдодимизни юзага чиқарди. Спортдаги фаолиятимизда юксак натижаларга эришишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ «Шуҳрат» медали билан тақдирландим. 2015 йили Конституция байрами арафасида бўлиб ўтган бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширишга бағишланган тантанали маросимда Президентимиз мени бағрига босиб, «Сен Бразилияда бўладиган Олимпия ўйинларида чемпион бўлишинг керак!» дея юксак ишонч билдирган эди.

Бразилияда ўтган Олимпиадада кумуш медални қўлга киритган бўлсам-да, Президентимиз бу ютуғимни юксак баҳолади. Мен Президентимизнинг 2016 йил 24 августдаги Фармонига биноан «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирландим.

Президентимиз Ислом Каримовнинг оталарча меҳри ва ғамхўрлигини ҳеч қачон унутмаймиз.

**Бахтиёр СОБИРОВ, Мирзаобод туманидаги «Ойдин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Куни кеча маҳалламиз аҳли билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишлаб тадбир ўтказдик. Унда давлатимиз раҳбарининг ободлик, бунёдкорлик, фаровонлик йўлидаги улкан ишлари эътироф этилди. Ёши улуғ кишилар халқимизнинг саксонинчи йиллар охиридаги оғир турмуш шароитларидан мисоллар келтириб, ўша қийинчиликларни енгиб ўтишда Президентимиз кўрсатган жасорат, шижоат ҳақида ёшларга гапириб бердилар. Жумладан, «Ҳозир маҳалламиздаги хонадон борки, ўз томорқасига эга», деди улар. Бу ерларнинг аксарияти ҳали собиқ иттифоқ давридаёқ Юртбошимиз қарори билан берилган эди. Бинобарин, ўз вақтида ажратилган мана шу томорқалар халқимиз турмуш фаровонлигини оширишда беқиёс омил бўлди.

Маҳалламиз ҳудудида Президентимизни ҳамиша ёдга соладиган, у кишини чексиз миннатдорлик билан эслатадиган ободлик ва бунёдкорлик ишларига яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Улардан бири янги ўқув йили арафасида амалга оширилди. 12-умумий ўрта таълим мактабининг биноси реконструкция қилиниб, бутунлай замонавий қиёфа касб этди. Куни кеча эса ўғил-қизларимиз ушбу таълим муассасасининг шинам ва кенг синфхоналарида ўтказилган "Хотира дарслари"да бутун Ўзбекистон болаларини, ёшларини ўз фарзанди деб билган, улкан ғамхўрлик кўрсатган, меҳридарё, бағрикенг инсон бўлган Ислом Каримовни кўзларида ёш билан эсга олдилар.

Президентимиз бошлаган улуғвор йўл бизни бундан-да юксак марраларга етаклайди. Ислом Каримов номи эса халқи, юрти манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиб, шу мақсад йўлида катта меҳнат қилган буюк давлат арбоби, доно сиёсатчи, том маънодаги ватанпарвар инсон сифатида асрлар оша яшайверади.

**Ёқуб ФАТТОЕВ, Пешку туманидаги «Фаттоев» фермер хўжалиги раҳбари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби:**

— Элим деб, юртим деб ёниб яшашни биз халқимизнинг ҳақиқий раҳнамоси Ислом Каримовдан ўрганганмиз. Қай бир соҳада эришилган ютуқларга назар ташламанг, улар замирида доно ва зукко давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари ётганини англаймиз.

Президентимизнинг иқтисодиётнинг барча соҳаси, жумладан, қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислоҳотлар ташаббускори эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Юртимизда фермерлик ҳаракатини кенг йўлга қўйиш, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, ерни ҳақиқий эгасига топшириш йўлидаги жонбозлигини ҳеч қачон унутмаймиз. Бозорларимиздаги файзу барака, арзончилик, элимиз дастурхонининг бутлиги, турмушимиз фаровонлиги айнан шу йўналишда ҳаётга татбиқ этилган ислоҳотлар мевасидир.


(Давоми 2-бетда).


# ТАЪЗИЯНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан таъзияномалар келмоқда. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Ислом Каримовнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.

Қуйидагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири — **Нарендра Моди**

Малайзия Қироли — **Абдул Ҳалим Муадзам Шоҳ Янг ди-Пертуан Агонг XIV**

Малайзия Бош вазири — **Дато Сри Моҳд Нажиб**

Таиланд Қироли — **Пумипон Адулядет**

Финляндия Республикаси Президенти — **Саули Нийнистё**

Словакия Республикаси Президенти — **Андрей Киска**

Миср Араб Республикаси Президенти — **Абдулфаттоҳ Саид Ҳусайн Ас-Сиси**

Фаластин Давлати Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси — **Маҳмуд Аббос**

Лаос Халқ Демократик Республикаси Бош вазири — **Тхонглун Сисулит**

Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби — **Жон Керри**

Афғонистон Ислом Республикаси Парламенти Қуйи палатаси раиси — **Абдул Рауф Иброҳимий**

Кувайт Давлати Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири — **Шайх Сабоҳ ал-Холид ал-Хамад ас-Сабоҳ**

Токио шаҳри губернатори — **Юрико Коикэ**

Хигашикава шаҳри мэри (Япония) — **Мацуока Ичиро**

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори — **Жозе Грациану да Силва**

«Транснефть» компанияси вице-президенти — **Владимир Рушайло**

«Мицубиши Корпорейшн» бошқаруви раиси — **Кен Кобаяши**

«НЭК Корпорейшн» компанияси президенти — **Нобухиро Эндо**

Франция ривожланиш агентлиги бош директори — **Рэми Рию**

Жаҳон Бухоро яҳудийлари конгресси президенти — **Лев Леваев**

АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси президенти — **Борис Қандов**

«Сока Гаккай Интернэшнл» президенти — **Дайсаку Икеда**

Нагоя университети президенти — **Сеичи Мацуо**

Васеда университети президенти — **Каору Камата**

Касаба уюшмалари умумий конфедерацияси бош котиби — **Владимир Шербаков**.

*Таъзияномалар келиши давом этмоқда.*

# МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.***

Тадбир қатнашчилари Президентимиз портрети пойига гуллар қўйиб, хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Ў. Мирзаёров ва бошқалар истиқлолимиз асосчиси Ислом Каримов томонидан мамлакатимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилган ишлар мангуликка муҳрланиб қолишини таъкидлади.

Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг биринчи кунларидан оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ролини ошириш, соҳа фаолиятининг ҳуқуқий ва моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, журналист касбининг нуфузини кучайтириш, ижодий ва техник ходимларнинг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган сиёсат изчиллик билан амалга оширилди.


(Давоми 2-бетда).

# ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ МЕҲРИ ВА ҒАМХЎРЛИГИНИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙМИЗ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари кечагидек эсимда. Фермерлик ҳаракати эндигина тетапоя бўлаётган кезлар эди. Юртбошимиз ўша дамларда фермерлик юрт эртасини белгилайдиган ҳаракат эканлигини баралла айтиб, бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватладилар. У кишининг кўмаги, мадади билан ер эгасини топди, фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйди, қишлоқда мулкдорлар синфи шаклланди. Чунончи, вилоятимизда ҳозир 5140 дан зиёд фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 65 минг нафардан ортиқ киши меҳнат қилаяпти.

Президентимиз ташаббуси билан аграр соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар кўплар қатори менинг тақдиримда ҳам туб бурилиш ясади. Бугун юртимизнинг бахтли инсонларидан бириман. Ўзбекистонда фаровон турмушидан рози бўлиб яшаётган мен каби одамлар сони кўп. Буни халқимизнинг донишманд фарзанди Ислом Каримовнинг машаққатли меҳнатлари самараси, деб биламан.

Кўнгилга фақат бир нарса таскин беради: халқимиз ўзининг Биринчи Президентини ҳеч қачон унутмайди. Унинг ёди қалбларимизда бир умрга қолади!

**ЎзА мухбири**
**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари**
**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ ва**
**Истам ИБРОҲИМОВ ёзиб олди.**

# МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ислом Каримов журналистларимизнинг ҳаётга чуқур кириб бориши, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, мавзуга холисона ва ҳаққоний ёндашиш каби мезонлар матбуотимизнинг ўзгармас қоидаси ва принципи бўлиб қолиши даркорлигини уқтирарди.

— Президентимизнинг биз, журналистлар меҳнатини доимо юксак қадрлаб келганини мамлакатимизда таъсис этилган турли нуфузли танловлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин, — дейди «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов. — Бу танловлар оммавий ахборот воситалари ходимларини маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш рамзи бўлиб қолади. Ислом Каримов номи тинчликсевар ва халқпарвар давлат арбоби, доно сиёсатчи ва комил инсон сифатида халқимиз қалбидан мангу жой олди.

**Б. БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Ҳудудий дастурлар ижроси

## импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда

Янги ўқув йилида мамлакатимиздаги аксарият таълим муассасалари ўқувчилари ўзимизда ишлаб чиқарилган глобуслардан фойдаланишмоқда.

**МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ**

Гап шундаки, бундай маҳсулот Қибрай туманидаги “Ziyo Globus” хусусий корхонасида тайёрланаяпти. Бунга ҳали кўп вақт бўлмаган, лекин харидорлар сони тобора ортмоқда. Жорий йилда Қашқадарё вилояти мактабларига 250 млн. сўмлик глобуслар етказиб берилгани сўзимиз тасдиғидир.

Эътиборлиси, “Ziyo Globus” корхонасида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи товарларда маҳаллий хом ашёнинг улуши 80 фоизга етказилди. Бунда 2015 — 2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Тошкент вилоятида биргина шу йилнинг ўзида 16 та корхона Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган.

Дастурдаги 7 ишлаб чиқариш субъекти Зангиота туманида жойлашган бўлиб, уларда яратилган имкониятлардан самарали фойдаланилаётгани боис ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортмоқда. Мисол учун, “Asia favorite plyus” масъулияти чекланган жамиятида йил бошидан буён 2500 донага яқин қуёш панеллари, электр кара ҳамда темир йўл вагонлари учун қуёш аккумуляторлари тайёрланди. Асосийси, импорт ўрнини босувчи бундай маҳсулотлар учун зарур бўлган хом ашёлар — қўрғошин, полипропилен, суюқ электролит, каустик сода ва шиша толали сепараторлар маҳаллий корхоналардан олинмоқда.

“Обер стар пласт” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат ҳамда суюқлик термослари, 6 турдаги озиқ-овқат контейнерлари сифати ва бежиримлиги билан алоҳида эътибор қозонаяпти. Маҳсулот асоси маҳаллий хом ашёдан таркиб топгани унинг нархи арзон бўлишини таъминлаётир.

— Жорий йилнинг биринчи ярмида Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналарда жами 44,3 млрд. сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланди, — дейди вилоят ҳокимлиги ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси бошлиғи Юнусхон Ёқубхонов. — Шундан 32,5 млрд. сўмлиги ички бозорга йўналтирилган бўлса, қолган қисми экспортга чиқарилди.

Умуман, вилоятда дастур ижроси доирасида кўрилган чора-тадбирлар туфайли 8,1 млн. АҚШ доллари миқдорида валюта иқтисод қилиниб, юзлаб кишилар иш билан таъминлангани диққатга сазовор.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЯНГИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШ ЎЗЛАШТИРИЛДИ

*“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган “TELECOM INNOVATIONS” Ўзбекистон — Сингапур — Хитой қўшма корхонаси рақамли телевидение сигналларини қабул қилиш ускунаси, ADSL модемлар ҳамда DSLAM қурилмалари ишлаб чиқаришда етакчи корхоналардан биридир.*

**ҚЎШМА КОРХОНАЛАР**

Яқинда бу ерда Хитойнинг “ZTE” компанияси янги лойиҳалари ва тўғридан-тўғри инвестицияси эвазига рақамли сигналларни қабул қилиш қурилмасининг IPTV ҳамда модемларнинг Home gateway серияли янги турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Қўшма корхонамиз 2010 йилда ташкил этилган, — дейди корхона директори Фирдавс Алиев. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи вақтида эришилган келишувларни амалга ошириш ва икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, корхонада замонавий теле ҳамда алоқа воситалари ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, янги турдаги маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида Хитой Халқ Республикасининг “ZTE” компанияси қўшма корхона таъсисчилари қаторига жалб этилди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми янада ортди. Айни пайтда корхонада меҳнат қилаётган 40 ишчининг аксарияти ёшлардир. Мутахассислар малакасини ошириш, янги маҳсулот турларини ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш мақсадида Хитой Халқ Республикасининг “ZTE” университетида махсус ўқув ҳамда малака ошириш йўлга қўйилган.

Корхонада амалга оширилган модернизация ишлари самарасида қурилмалар тури 5 тадан 15 тага етказилди. Натижада 2013 йилда 1 минг 600 дона қурилма ишлаб чиқарилган бўлса, 2015 йилда мазкур кўрсаткич 16 минг 460 тага етди.

ISO 9001:2009 сифат менежментига эга корхона 2015 йилда сифат, етакчилик ва мукаммаллик йўналишида International Quality Crown Award (IQC) мукофоти билан тақдирланган.

**Н. РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

### Қишлоқда замонавий мажмуа

**Хоразм**

Хонқа туманидаги Сарапаён қишлоғида “Хонқа Мадир” савдо мажмуаси қурилиб, ишга туширилди. Рўзметовлар оилавий корхонасига қарашли ушбу иншоотни бунёд этиш ва жиҳозлаш учун қарийб 1 миллиард сўм йўналтирилди.

Ҳозирги кунда бу ерда ҳудуд аҳлига 3 мингдан ортиқ турдаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари таклиф этилаётир. Замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган мазкур кўп қаватли бинода келгусида сервис ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тикувчилик ҳамда қандолатчилик цехларини ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Илғор технологиялар асосида

**Қорақалпоғистон Республикаси**

Нукус шаҳридаги “Ойдин авлод” масъулияти чекланган жамияти дастлаб қурилиш материаллари савдоси йўналишида фаолият бошлаган эди. Ички бозор талаб ва эҳтиёжларини чуқур ўрганган жамоа кўп ўтмай замонавий пардалар ҳамда темир буюмлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди.

— Бунинг учун банкнинг 250 миллион сўмлик кредитидан фойдаландик, — дейди тадбиркор Баҳодир Худойберганов. — Натижада илғор технологик ускуналар ёрдамида ойига 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқара бошладик. Ўз навбатида, маҳаллий ёшлардан 15 нафарининг бандлиги таъминланди.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда корхона қошида 250 тонна сиғимли, совитиш ускуналарига эга омборхона ҳам фаолият юритмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тадбиркорнинг бизнес-режаси

**Сирдарё**

Ширин шаҳрилик тадбиркор Дилшод Сайдазимов бундан бир неча йил аввал ҳудудда аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ташкил этишни ният қилган эди.

Яқинда 550 миллион сўм маблағ эвазига унинг мазкур бизнес-режаси амалга ошди. Ўз навбатида, бу ерда болалар ўйингоҳи ҳамда мусиқали фаввора ҳам барпо этилди.

Икки қаватли муҳташам бинода озиқ-овқатдан тортиб, кийим-кечаккача бўлган барча зарур маҳсулотни харид қилиш мумкин. Улар аҳолига улгуржи нархларда етказиб берилаяпти.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

3 »

# Қулай инвестициявий муҳит

## чет эллик сармоядорларнинг иқтисодиётимизга бўлган қизиқиши янада ошишида муҳим ўрин тутади

Ҳар қандай давлат иқтисодий салоҳиятининг юксалиши кўп жиҳатдан инвестиция сиёсатининг нақадар оқилона юритилишига боғлиқ. Чунки саноат тармоқлари истиқболига қаратилган лойиҳалар, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва тубдан янгилаш бўйича устувор вазифалар ижросини таъминлашда айнан жалб этилаётган сармоялар муҳим аҳамиятга эга. Бироқ инвестиция барқарор ривожланаётган, инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатланган жойгагина йўналтирилади. Буларнинг барчаси, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда мавжуд. Зеро, изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз инвестициявий жозибадор давлатга айланди.

**ТАҲЛИЛ**

Бинобарин, соҳанинг, аввало, мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган бўлиб, Ўзбекистон давлатлар ҳамда хорижий шахслар ўртасида инвестициявий муносабатларни тартибга солишга қаратилган халқаро конвенциялар (1992 йил Сеул конвенцияси, 1994 йил Вашингтон конвенцияси)га қўшилган. Бундан ташқари, Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки гуруҳининг аъзоси эканлигимиз, Жаҳон савдо ташкилотига кузатувчи сифатида қўшилганимиз, 20 дан ортиқ давлатлар билан капитал маблағ киритишни ўзаро ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантириш тўғрисида ҳукуматлараро битимлар тузганимиз, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида 50 дан зиёд давлатлар билан битимлар имзолаганимиз қулай инвестиция муҳитини яратишда алоҳида ўрин тутди. Пировардида иқтисодиётимизга киритиладиган капитал маблағлар ҳажми 1990 йилдаги кўрсаткич билан таққослаганда 19,7 марта ошди. Асосийси, инвестициялар таркибида молиялаштириш манбалари бўйича сифат ўзгаришлари юз берди.



Гап шундаки, 1990 йилда инвестицияларнинг 46 фоиздан ортиғи Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар ва бошқа марказлаштирилган манбалар улушига тўғри келиб, хориж сармоялари умуман йўқ эди. Бозор иқтисодиётига асосланган ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилиб, замонавий банк тизими ҳамда молия-кредит инфратузилмасининг ташкил этилиши, хусусий сектор ва тадбиркорликнинг ривожлантирилиши инвестиция соҳасида вазиятни тубдан ўзгартирди. Бу эса давлат инвестицияларининг аста-секин қисқаришига олиб келди. 2015 йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар умумий ҳажмининг учдан икки қисмини ички марказлаштирилмаган манбалар — корхоналар, аҳоли ҳамда тижорат банкларининг хусусий ва қарз маблағлари ташкил этгани бунинг яққол далилидир.

Хорижий сармояларни жалб қилиш борасидаги натижалар ҳам диққатга молик. Мисол учун, 2015 йилда жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион АҚШ долларидан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари улушига тўғри келди. Бошқача айтганда, охирги 15 йил ичида тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий инвестициялар миқдори 22 каррадан зиёд ўсди.

Юртимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти шундаки, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил қилишга қаратилган лойиҳаларга устувор аҳамият берилади. Шу боис жалб этилаётган маблағлардан унумли фойдаланиб, улар, асосан, замонавий корхоналар, инфратузилма объектларини бунёд этиш, намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуриш каби аниқ мақсадларга йўналтирилаяпти.



Саноатнинг автомобилсозлик, машинасозлик, нефть-газ, кимё, тўқимачилик сингари етакчи тармоқларида асос солинган кўплаб йирик объектлар бунга далил бўла олади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги шу каби илғор қувватлар, айтиш мумкинки, иқтисодиётимиз тараққиётида тобора муҳим роль ўйнамоқда. Айни пайтда мамлакат ташқи савдо айланмасида уларнинг улуши тўртдан бир қисмни ташкил қилаётгани кўп нарсани англатади, албатта.

2008 йили Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ташкил қилингани чет эл инвестицияларини жалб этишда тобора муҳим ўрин тутмоқда. Бинобарин, унинг асосий вазифаси иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ҳамда йўл-коммуникация соҳасидаги стратегик инвестициявий лойиҳаларни хорижий шериклар билан ҳамкорликда молиялаштиришда фаол қатнашишдан иборат. Ҳозирги вақтда мазкур жамғарма умумий қиймати 16 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 27 та лойиҳа ижросида ўз маблағлари билан иштирок этаяпти.

Замонавий юқори технологик ишлаб чиқаришларни яратиш бўйича инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда АҚШ (“Женерал Моторз”, “Тексако”), Германия (“МАН”, “Даймлер Бенц”, “Клаас”), Буюк Британия (“БАТ”), Испания (“Максам”), Япония (“Исузу”, “Иточу”), Малайзия (“Петронас”), ЖАР (“Сасол”), Жанубий Корея (“KOGAS”, “Lotte Chemical”, “STX Energy”, “ENK”), Хитой (“CNPC”), Россия (“Лукойл”) каби хорижий давлатлар, шунингдек, дунёга машҳур компаниялар ва халқаро молия институтлари асосий ҳамкорлар ҳисобланади. Уларнинг молиявий кўмагида энергетика, машинасозлик, металлургия, кимё, енгил ҳамда озиқ-овқат, нефть-кимё, қурилиш материаллари саноатида кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинди. Масалан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг таъмирланиши, янги нефть-газ конларининг ўзлаштирилиши ёқилғи мустақиллигига эришиш имконини берди.

Шу билан бирга, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Қўнғирот сода заводи, Муборак газни қайта ишлаш заводида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш бўйича янги қувват, Жиззах вилоятида портландцемент ва оқ цемент тайёрлашга ихтисослаштирилган завод қурилиши каби яна кўплаб инвестициявий лойиҳалар амалга оширилгач, импорт ҳажми кескин камайиб, экспорт кўлами кенгайиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида янги соҳалар ўзлаштирилиши, йирик ишлаб чиқариш объектлари бунёд этилиши, қисқача айтганда, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми кўпайишида республикамизда барпо этилган махсус индустриал зоналарнинг ҳам аҳамияти ниҳоятда катта. Бугунги кунда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ҳамда “Жиззах” махсус индустриал зоналарида 45 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилаётгани, яқин истиқболда яна 100 та лойиҳа ижросига киришилиши кўзда тутилгани бунга тўла асос бўлади.

Буларнинг самараси, энг аввало, жаҳон бозорида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётгани, шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳоли фаровонлиги ҳамда ҳаёт сифати тобора ошиб бораётганида яққол намоён бўлаяпти. Зеро, чуқур ўйланган ҳамда босқичма-босқич юритилаётган инвестиция сиёсати иқтисодиётнинг барқарор ва изчил ривожланишида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

**Акмал АКРАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари ўринбосари,**
**Музаффар КАРИМОВ,**
**институт катта илмий ходими.**

# Умид, ишонч, интилиш

Юртимизда ёшлар таълим-тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу эса ўғил-қизларимизнинг илм-фан сирларини чуқур эгаллаб, замон талаблари асосида касб-ҳунар ўрганишлари ҳамда жамиятда мустаҳкам ўрин топишларига хизмат қилмоқда. Энг муҳими, ана шундай кенг имкониятлардан барча бирдек баҳраманд бўлаётир.

ТАЪЛИМ

Бунга Бухоро шаҳридаги 24-сон кўриш бўйича имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси фаолияти ҳам яққол мисол бўла олади.

— Даргоҳимизга "Умидли ёшлар маскани" дея таъриф беришади, — дейди муассаса раҳбари ўринбосари Илҳом Раҳимов. — Бу бежиз эмас, албатта. Ўқувчиларимизда санъат, адабиёт, спортга қизиқиш кучли. Шуни инобатга олиб, шаҳар 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг филиалини ташкил этганмиз. Ҳозир 32 нафар ўқувчимиз дарсдан сўнг машғулотларда қатнашиб, ўз маҳоратини ошириб бормоқда. Қолаверса, бизда 12 та тўгарак фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Дарҳақиқат, масканнинг 160 ўринли ўқув биноси, 100 ўринли турархойда ўқувчилар учун қулай шароитлар муҳайё этилган. Жиҳозлар тўлиқ янгиланган. Машғулотлар кенг ва шинам синфхоналарда, замонавий ўқув қуроллари воситасида олиб борилаяпти. Болаларнинг кўл сезгисини кучайтириш, даволовчи гимнастика, ижтимоий-маиший, мустақил тарзда ён-атрофда юриш каби йўналишларда ҳам машғулотлар ўтилмоқда. Ўқувчиларга тифлопедагогик билимга эга 56 нафар педагог сабоқ бераётир. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти ижодкор муаллим ва мураббийлардир.

— Жамоамизда ана шундай мутахассислар ўртасида танлов ўтказиш анъанага айланган, — дейди илғор ўқитувчилардан бири Султон Султонов. — Тадбир шартларидан бири кўргазмали қуроллар, аниқроғи, тифлотехник воситалар, яъни кўзи ожизлар билан ишлашга мўлжалланган жиҳозлар тайёрлаш бўлгани мени изланишта ундади. Шу тарзда тифлографик кўчма магнитли доска яратдик. Уни содда тарзда "Брайл ёзувининг доскадаги акси", дейиш мумкин. Бу янгилик орқали кўриш имконияти чекланган ўқувчилар кўл сезгиси ёрдамида ўз билимини бойитишлари, мустаҳкамлашлари мумкин. У нафақат математика, физика, география, адабиёт, ҳатто тасвирий санъат фанидан сабоқ олишда ҳам асқатади.

— Бу ерда таълим олаётган ҳар бир болани ўз фарзандимиздек кўрамиз, — дейди муассаса раҳбарининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Матлуба Атоева. — Зеро, уларнинг келгусида ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишлари учун биз, педагоглар зиммасида катта масъулият бор.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ТИББИЁТ

*Яқинда Нишон тумани марказий поликлиникасига келтириб ўрнатилган сўнгги русумдаги замонавий тиббиёт ускуналари болаларнинг турли нуқсон билан туғилишининг олдини олиш имконини бермоқда. Хусусан, "Mirror-2" аппарати бир қатор афзалликларга эга.*

## Тезкор ва аниқ ташхис

— Мазкур қурилма ҳомиланинг ривожланиши билан боғлиқ туғма хасталикларни ўз вақтида аниқлаб, уни зудлик билан бартараф этишда қўл келмоқда, — дейди муассаса шифокори Муяссар Зойирова.

Таъкидлаш керакки, туман марказий поликлиникасида амалга оширилган 1 миллиард сўмлиқдан ортиқ реконструкция ишларидан сўнг бу ерда беморларни малакали тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда даволаш учун барча шарт-шароит яратилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Азалий қадриятлар эъзози



Сурхондарё вилоятида аждодлардан мерос ҳунарни давом эттираётганлар кўп. Сариосиё туманининг Дўстлик маҳалласида яшовчи Баҳриддин Пардаев — улардан бири. Болалигиданоқ бобоси Абдусаттор устадан наққошлик, ганчкорлик ва ўймакорлик сирларини пухта ўрганган Баҳриддин истиқлол имкониятларидан унумли фойдаланиб, "Сурхон амалий санъати" оилавий корхонасини ташкил этди ҳамда ака-укаларидан ташқари, 18 нафар маҳалладошини ҳам иш билан таъминлади.

ҲУНАРМАНДЧИЛИК

— Фарзандларимиз, ҳунармандлар эъзозланиб, уларга имтиёзлар берган юрт равнақи учун ҳар қанча меҳнат, ижод қилса арзийди, — дейди Баҳриддиннинг онаси Ўғилбиби опа. — Амалга оширилаётган хайрли ишлар замирида миллий қадриятларимизни тиклаш, уларни ёш авлод онгига сингдириш, ҳунармандчилигимизни кенг равнақ топтириш каби улуғ мақсадлар мужассам.

Ёш устадаги иқтидор мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ кўзга ташланган эди. Дастлаб туман, вилоят кўрик-танловларида ўзи ясаган нақшинкор буюмлар билан қатнашиб, муносиб ўринларни қўлга киритди. 2014 йилда эса "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолибликка эришиб, унинг республика босқичида қатнашди.

— Оилавий корхона ташкил этишимга "Камолот" ЁИҲ Сариосиё тумани Кенгаши ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш маркази яқиндан ёрдам берди, — дейди Б. Пардаев. — Дастлаб банк ажратган 45 миллион сўмлик кредит маблағига замонавий дастгоҳлар харид қилдик. Айни пайтда илғор технология ва ускуналар ёрдамида сандиқ ҳамда нақшинкор эшик-ромлар ясамоқдамиз.

Таъкидлаш керакки, корхона маҳсулотлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бунинг боиси, бежирим буюмлар маҳаллий хом ашё асосида сифатли қилиб тайёрланаётганидадир. Масалан, усталар нақшлар солишда ёнғоқ дарахтидан фойдаланишаяпти.

— Қутидондаги безакларга эътибор беринг, — дейди ёш уста. — Буларни Узун туманидаги "Оқ остона" зиёратгоҳидаги гумбазнинг ўйма нақшларидан таъсирланиб солганман.

Бугунги кунда Баҳриддиннинг оилавий корхонаси навқирон усталар билан гавжум. Улар қўлида жило топаётган нақшинкор мебеллар, эсдалик учун ясалаётган маҳсулотлар хонадонларга алоҳида кўрк бағишлаб турибди.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.


ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

**2017 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига қуйидаги ихтисослик бўйича қабул эълон қилади:**

**07.00.04** — Диншунослик. Ислом тарихи ва манбашунослик.

Керакли ҳужжатлар: ректор номига ариза, маълумотнома, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибдаги нусхаси, олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси, тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси, илмий журналлар ҳамда нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида 3 та), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ҳамда давра суҳбатлари тўпламларига фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида 2 та) рўйхати, уларнинг нусхалари, фан номзоди бўлмаганлар учун илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи Олий аттестация комиссияси (ОАК) ҳужжати нусхаси, фан номзоди бўлганлар учун номзодлик диссертацияси автореферати, етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги, паспорт ва нусхаси, яшаш жойи тўғрисида маълумотнома, 3х4 см. ҳажмда 4 дона фотосурат, конверт, тезтиккич.

**Шунингдек, Тошкент ислом университети 2017 йил учун мустақил изланувчиликка қуйидаги ихтисослик бўйича қабул эълон қилади:**

**07.00.04** — Диншунослик. Ислом тарихи ва манбашунослик.

Керакли ҳужжатлар: ректор номига ариза, иш жойидан тавсифнома, маълумотнома, олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибдаги нусхаси, фан номзоди бўлмаганлар учун илмий ва илмий-тадқиқот фаолиятга лаёқати юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи Олий аттестация комиссияси (ОАК) ҳужжатининг нусхаси, илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати ва уларнинг нусхалари, паспорт нусхаси, яшаш жойи тўғрисида маълумотнома, 3х4 см. ҳажмда 4 дона фотосурат, конверт, тезтиккич.

**Ҳужжатлар 2016 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй, А-бино, 2-қават, 212-хона. Телефонлар: (0-371) 244-00-91, 244-00-56.**

1273М/574



***Фармацевтик фаолият билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар диққатига!***

**Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 25 апрелдаги 198-сонли буйруғига биноан, қишлоқ врачлик пунктлари учун 6 турдаги ҳаётий зарур дори-дармонлар, индикатор ҳамда реактивларни марказлашган асосда сотиб олишга ретендер савдоларини эълон қилади.**

Мазкур савдоларда белгиланган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотни ва унга тегишли ҳужжатларни кўрсатилган манзилга етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

***Тендер савдоси ҳужжатлари 2016 йил 7 октябрь куни соат 18.00 гача қабул қилинади.***

**Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили: Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, 132006, Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-376) 223-22-99. Факс: (0-376) 223-17-53. E-mail: surxvssb@uznet.net**

**Банк реквизитлари: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги х/р: 23402000300100001010, МФО: 00014, СТИР: 201122919, МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳри, Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, ш/х/р: 400121860224017950100054064, СТИР: 200477643, ОКОНХ: 97600.**

1298М/598



**«AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ** *очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

2016 йил 27 сентябрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2015 йил 20 июлдаги 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий кўчасидаги (Тошкент «ОРМЗ») автомобилларни сақлаш жойида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

* 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/582 GAA бўлган, «ГБА СПГ Damas» русумли юк автомашинаси.

***Бошланғич баҳоси — 23 368 800 сўм.***

* 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/398 ZAA бўлган, «ГАЗ-2752-414» русумли юк-йўловчи ташувчи автомашина.

***Бошланғич баҳоси — 56 944 775 сўм.***

* 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/397 ZAA бўлган, «ГАЗ-2217-404» русумли юк-йўловчи ташувчи автомашина.

***Бошланғич баҳоси — 59 656 431 сўм.***

* 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/417 QCA бўлган, «Nexia DONC-2» русумли автомашина.

***Бошланғич баҳоси — 38 338 832 сўм.***

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда бўлиб ўтади. Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида автотранспорт воситаси учун тўловни тўлиқ амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Auto trade cooperation» МЧЖнинг АТ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва устав нусхаси, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ҳорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотнома.

Қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

1347А/490

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (+99895) 193-74-96. E-mail: info@auksion.uz**

*Гувоҳнома № 005148.*



**«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ**

**Тошкент минтақавий филиали**

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Ангрен шаҳар СИБ томонидан Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2016 йил 25 июлдаги 11-1635/8482-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ангрен пак» АЖга тегишли, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Гулбоғ кўргонида сақланаётган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/675 ХАА бўлган, «Isuzu SAZ NQP PL» русумли, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/677 ХАА бўлган, «Isuzu FVR 33 PC» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 212 450 000 сўм.***

Аукцион савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2014 йил 25 июндаги 2-432/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ғазалкент шаҳри, «Марям-текстиль» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 L 381 JA бўлган, «ВАЗ-2102» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 3 592 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 10 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 7 октябрь куни соат 18.00. Автотранспорт воситалари билан тегишли туман (шаҳар) СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Respublika mulk markazi» АЖ Тошкент минтақавий филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидагилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, ваколатли вакиллар ишончномаси, ҳорижий юридик ва жисмоний шахслар қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотнома.

*Гувоҳнома № 001580.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Телефонлар: (0-371) 233-49-31, 233-28-52. www.rmm.uz**

1346А/146



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 912 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5 6